

ЎТМИШГА НАЗАР

1 MAXSUS СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобоҷонова Дијором Бобоҷонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзРФА Тарих институти

Аззамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзРФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қўзлар давлат педагогика
университети

Ульяева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ким - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши мұхандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боҳодир Жӯраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қарши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент аҳборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яҳшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давлаталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмайлова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Дөгистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МҮНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Рахбар Эргашевна Холиковна БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	6
2. Яхшибека Атамуратовна Абдуллаева ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ГЕНДЕР МАСАЛАСИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР.....	16
3. Шоҳистаҳон Мамажоновна Ўлжаева АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИГА НАЗАР.....	22
4. Кожамжарова Даъя Пернешовна, Отарбаева Гулжан Кобеевна, Мусаева Суйкум Тулембаевна ДЖАДИДСКИЕ МЕКТЕБЫ И РУССКО-ТУЗЕМНЫЕ ШКОЛЫ: ИХ РОЛЬ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ КАЗАХСКОГО НАСЕЛЕНИЯ.....	28
5. Аваз Абдуллаевич Ерметов, Нагима Ергалиевна Тажмуханова, Гулжан Кобеевна Отарбаева ХХ АСР 80-ЙИЛЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ (ЁШЛАР МИСОЛИДА).....	35
6. Анвар Журакулович Яхшиев ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯДА АНТИК ДАВР ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	40
7. Диёржон Абдуллаев МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТ ҚАРОР ТОПИШИДА МУКОФОТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ (АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ МИСОЛИДА).....	46
8. Абдулазиз Ахмадхўжаевич Акбархўжаев ЎЗБЕКИСТОН МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	57
9. Гулзода Альзамовна Алимова АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАР, ТАРИХИЙ ШАХСЛАР НОМЛАРИ БАЁНИ (“Мажолис ун-нафоис” мисолида).....	62
10. Дилафруз Рашидовна Атамуратова ХОРАЗМ ДАВРИЙ МАТБУОТИДА “ИНҶИЛОБ ҚУЁШИ” ҲАМДА “ИЗВЕСТИЯ” ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЎРНИ: ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ.....	73
11. Феруза Эркиновна Атажанова ХОРАЗМДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР(1991-2017 ЙИЛЛАР).....	80
12. Жасурбек Зокиржонович Ахмедов, Иқбола Турсунмуродовна Қудратова ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА САҚЛАНАётГАН АЙРИМ ОСТАДОНЛАРНИНГ ШАКЛ БЕЗАКЛАРИ ХУСУСИДА.....	88
13. Феруза Хаятовна Бобоҷонова БУХОРОДАГИ МИР-АРАБ МАДРАСАСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР.....	94
14. Элбек Ботиров ТУРКИСТОН АССР БОЖХОНА ТАРИХИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ФОНДЛАРИ ТАВСИФИ.....	103
15. Завқиддин Буриев РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА МАъмурий-ХУДУДИЙ СИЁСАТИ ҲАҚИДА.....	109

16. Азад Ҳасанович Ваисов	
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	115
17. S.I. Gabrielyan	
XX ASR BOSHLARIDA ANGLIYA JAMOATCHILIK FIKRINING FORSDAGI BUYUK BRITANIYA SIYOSATIGA MUNOSABATI.....	124
18. Ақбар Даминов	
“БОБУРНОМА”ДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР.....	132
19. Бурон Улугмуротович Жумаев	
ЎЗБЕКИСТОНДА ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН.....	137
20. Temur Shavkat o‘g‘li Zaripov	
MUZEY - JAMIYAT TARAQQIYOTI UCHUN XIZMAT QILUVCHI MUASSASA SIFATIDA.....	146
21. Фарҳоджон Одилжонович Исматуллаев	
ЕВРОПА ИТТИФОҚИННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	150
22. Sardorbek Jamoliddinovich Mirzaxalov	
YOSHLAR TADBIRKORLIGI TOMONIDAN QO‘LLAB-QUVVATLANAYOTGAN SOLIQ IMTIYOZLARI VA ULARNING SOHA RIVOJIGA TA’SIRI (1991-2021-YILLAR).....	161
23. Фарида Абдуразаковна Максумова	
ШАҲАР МУҲИТИДАГИ ЛАНДШАFT ДИЗАЙНИ.....	168
24. Муҳаббат Мадиримовна Маҳмудова	
ХОРАЗМИЙЛАР ТИЛИ ВА ЁЗУВИНИЙ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН.....	173
25. Шавкатбек Махамадионусов	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИЙ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР ТАРИХИНИНГ АРХИВ МАНБАЛАРИ.....	177
26. Диlobар Баҳриддиновна Мирхусанова	
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	182
27. Қабулжон Махамаджонович Насритдинов	
СОВЕТ ҲУКУМАТИ АГРАР СИЁСАТИДА ЕР-СУВ МАСАЛАЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ (Фарғона водийси мисолида).....	187
28. Зумрад Раҳмонкулова	
XIX АСР ЎРТАЛАРИДА ҚЎҚОН ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН.....	193
29. Фаҳриддин Самаров	
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ “КАТТА ЛАНГАР ОТА” МАЖМУАСИ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?.....	199
30. Ибрагимжан Ташматов	
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР.....	206

31. Анвар Амир ўғли Темиров ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШГА ДОИР.....	214
32. Улугбек Шавқатович Усмонов ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ.....	218
33. Нафиса Закировна Ҳаётова СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ВА СУВ ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИ (БУХОРО ШАҲРИ МИСОЛИДА).....	223
34. Зарина Илдаровна Файзрахманова XVI АСРДА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИ САВДО ВА ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ.....	231
35. Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Ғиёсиддин Муроджонович Усмонов ТАБИАТ УНСУРЛАРИ ВА РАНГЛАРНИ ЎЗАРО УЙҒУНЛИГИНИНГ ХАЛҚОНА ҚАРАШЛАРДА АҚС ЭТИШИ.....	239
36. Ислом Акрамович Ҳамдамов МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИ.....	244
37. А.Г. Холлиев РОССИЯДА ХОРИЖЛИКЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИНГ ОЁҚҚА ТУРИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	250
38. Азиза Мустафаевна Эгамбердиева ЁШЛАРНИНГ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА ТАШАББУСКОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	260
39. Нафиса Мустафаевна Эгамбердиева ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ, УЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ, АЛИШЕР НАВОЙЙНИНГ ОИЛА, ИНСОН ОДОБИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ.....	267
40. F.N. Shirinova, Z.S. Kosimova IX-XII ASRLARDA O'ZBEK DAVLATCHILIGI. IJTIMOIY, SIYOSIY-IQTISODIY HAYOTI. AJDODLARIMIZNING JAON SIVILIZATSIYASI TARAQQIYOTIGA QO'SHGAN ULKAN HISSASI.....	273
41. Икматулла Гайбуллаевич Елмуратов XX АСР БОШИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАРИХИ.....	281
42. Бўриев Очил, Искандаров Шерзод Абдуганиевич АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР: САЙИДЛАР ҲОМИЙСИ.....	288
43. Искандаров Шерзод Абдуганиевич ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ВА ДИНИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШИ.....	295
44. Искандаров Шерзод Абдуганиевич ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРНИНГ МОТАМ МАРОСИМ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАОМЛАР.....	302



ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

Искандаров Шерзод Абдуганиевич
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти
Тошкент тиббиёт академияси

ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРНИНГ МОТАМ МАРОСИМ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАОМЛАР

For citation: Iskanderov Sherzod. DISHES ASSOCIATED WITH THE MOURNING CEREMONY OF THE ARABS OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp. 302-306



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Тарихдан маълумки, араб ва ўзбек халқининг ислом дини билан боғлиқ эътиқодий қарашлари, оилавий маросимлари кўп бўлиб, улар бир-бирлари билан ўхшаш жиҳатларга эга. Айнан ҳар икки халқ мотам маросимларига назар ташлар эканмиз, бу маросим билан боғлиқ турфа хил урф-одатларнинг ўзига хос исломий анъаналарини кенг жамоатчилик иштироқида ўтказилишини кузатиш мумкин. Ўзбекистон худудида истиқомат қилаётган турли миллат ва эллатларнинг турмуш-тарзи ва маданиятини ўрганишни асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон арабларининг оилавий маросимлари шунингдек, таом билан боғлиқ анъанавий ва замонавий жиҳатларини ўрганишга қаратилган. Мазкур мақолада келтирилган масала, Ўзбекистон арабларининг мотам маросим билан боғлиқ таомлар ва уларнинг ўзига хос хусисиятлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: оила, этнос, миллат, этник тарих, мотам, таом, шўрва, кеска ош, қора ош, эчки гўшт, чалпак, (бўғирсоқ), шом оши,

Iskanderov Sherzod Abdug'anievich
Associate Professor of the Department of Social Sciences
Tashkent Medical Academy

DISHES ASSOCIATED WITH THE MOURNING CEREMONY OF THE ARABS OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

It is known from history that the Arab and Uzbek people have many religious beliefs and family rituals related to Islam, and they have similarities with each other. Looking at the mourning ceremonies of both nations, it is possible to observe that various traditions associated with this ceremony are carried out with the participation of the general public. One of the main goals is to study the lifestyle and culture of different nationalities and peoples living in the territory of Uzbekistan. In particular, the family rituals of the Arabs of Uzbekistan are aimed at studying traditional and modern aspects related to food. This article provides information about the topic, the mourning dishes of the Arabs of Uzbekistan and their specific characteristics.

Key words: family, ethnus, nation, ethnic history, mourning, food, soup, keska soup, black soup, goat meat, chalpak, (throat), evening meal,

Искандаров Шерзод Абдуганиевич
Доцент кафедры социальных наук
Ташкентская медицинская академия

БЛЮДА СВЯЗАННЫЕ С ТРАУРНЫМ ОБРЯДОМ АРАБОВ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

Из истории известно, что арабский и узбекский народы имеют много религиозных верований и семейных обрядов, связанных с исламом, и имеют сходство между собой. Глядя на траурные церемонии обоих народов, можно заметить, что различные традиции, связанные с этой церемонией, осуществляются с участием широкой публики. Одной из основных целей является изучение быта и культуры разных национальностей и народов, проживающих на территории Узбекистана. В частности, семейные обряды арабов Узбекистана направлены на изучение традиционных и современных аспектов, связанных с едой. В данной статье представлена информация по теме, траурным блюдам арабов Узбекистана и их специфическим характеристикам.

Ключевые слова: семья, этнос, нация, этническая история, траур, еда, суп, кеска, черный суп, козлятина, чалпак, (горло), ужин,

Ўзбекистон худудида олиб борилган кенг қамровли тарихий-этнографик илмийтадқиқотларда республикада яшовчи халқларнинг турмуш тарзи этномаданияти, оиласи маросимларни айрим жиҳатларини таҳлил этиш ва ўрганиш лозимдир. Жумладан ўзбеклар билан бир худудида истиқомат қилиб келаётган шундан этнослардан бири бу араблар ҳисобланиб, уларнинг тарихи ва айрим урф-одатлари ўрганилган бўлса-да, оиласи маросимлар туркумига кирувчи мотам маросимлари таом таёrlаш билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш бугунги кундаги долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, араб ва ўзбек халқининг ислом дини билан боғлиқ эътиқодий қарашлари, оиласи маросимлари кўп бўлиб, улар бир-бирлари билан ўхшашиб жиҳатларга эга. Айнан ҳар икки халқ мотам маросимларига назар ташлар эканмиз, бу маросим билан боғлиқ турфа хил урф-одатларнинг ўзига хос исломий анъаналарини кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилишини кузатиш мумкин.

Назарийётчи олимлар этноснинг барқарор тарзда мавжуд бўлишида ҳамда этник ўзликни англашида тил билан бирга унинг моддий ва маънавий маданиятидаги маҳсус белгилар ҳам муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар. Бу энг аввало урф-одат, маросимлар, халқ санъати, уйжойлари, кийим-кечаклари, таомларидағи ўзига хос хусусиятлари, юриш-туриш ва ўзини тутиш каби анъанавий ва барқарорликка эга бўлган маданият бирлиги каби омилларни айтиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон араблари диний мотам маросимларида таом билан боғлиқ иноэтник жиҳатларини ўрганилди. Таом билан боғлиқ жараёнлар ўзбек ва араб халқларида унчалик ҳам фарқ қилмайди. Майит чиққан уйда таом тайёрлаш ритуал (харом) ҳисобланади. Шу боис бу ерда маълум муддат қозон осилмайди.

Айрим араб қишлоқларда шундай бир тамойил бўлиб, мотам маросимида эчки гўшти истеъмол қилинмаган. Сабаби, эчки гўшти шайтон билан боғлиқ деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам эчки гўшти мотам маросимида пиширилмаган. Ахборотчининг таъкидлашича, XX асрда юз берган ўзгаришлар диний мотам маросимига ҳам маълум даражада таъсир қилган. Ислом динида ҳалол деб топилган барча нарса пиширилади.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқда руҳга ишонч бўлгани каби арабларда ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин. Руҳнинг тинч бўлиши учун пайшанба қунлари мулла чақириб дуо ўқилиб, ис чиқарилган ва ёғда бўғирсоқ (чалпак) пиширилган. Ана шу пиширилган ёғдан бир неча

томчини дуо ўқилаётган пайт чироқ пилигининг устига оқизиб туришган. Бу маросимнинг ўтказилиш сабабини оловга ташланган ёғнинг майит рухини тинчлантириши билан боғлашади. Азадорларга қўни-қўшни, яқин қариндошлар овқат пишириб беришади. Бироқ, ўлик чиққан куни маҳсус ош дамланиб, кишиларга номигагина тарқатилади. Аммо бу ошдан ейиш гуноҳ саналади. Ош томга чиқарилиб ёйилади ва уни кушлар еб кетади. Жейновлик арабларда муқаддас жойларда, мозорлар ёнида ўчоқ бўлган. У нафақат қурбонлик қилинган молнинг гўштини пишириш, шу билан бирга, ўтганлар рухини эслаб, уларни ёрдамга чақириш жойи ҳам ҳисобланган. Ҳозир бу урф-одатларга амал қилинмайди, бироқ, ҳанузгача муқаддас жойлар ва қабристонлар ёнида ўчоқлар курилиши кузатилади. Айнан майит чиққан кунининг эртаси куни ўша хонадон соҳиблари томонидан зигир ёғида ош (палов) қилинади. Қашқадарё вилоят Миришкор туманига қарашли қишлоқдана бири Жейнов араблари бўлиб, уларни бошқа араб қишлоқлардан айрим фарқли жиҳатларини кузатилади. Жумладан майит чиққан хонадонда маҳсус хамирли таом таёrlаш ва уни келган ҳар бир кишига кишилар тортиқ қилиш анъаналари мавжуд бўлган. жумладан “кескан ош” таёrlанади. Ўзбекистон арабларда Жейнов арабларининг этномаданий ўзига хос хусусияти, хамирли таомларидан бири бу катлампатир ҳисобланади.

Бухоро вилояти Коракўл туманига қарашли арабларда майит рухи тинч ётиши учун 3 кундан сўнг худойида 2–3 та серка сўйиб, шўрва қилинади. Бу маросим мархумнинг рухи у дунёда шод бўлиши ва қийналмаслиги учун бажарилган. Ўрта Осиёнинг туркий халқларида бўлгани каби, арабларда ҳам ўтган аждодлар рухи мусалтам тутилади. Шунингдек, улар орасида ўчоққа сифиниш—оташпастлик ҳам мавжуд. Унинг излари ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм арабларида келин биринчи бор куёв уйига қадам босар экан, уйдаги ўчоққа таъзим («ўчоққа салом») бажо келтиради. Шунингдек, арабларда арвоҳларга атаб пилик ёқиши одати ҳам учрайди. Одатда, бу пайшанба (жума) ва душанба (якшанба) оқшомида амалга оширилган. Пиликлар ўчоққа 3–5 донадан боғлам ёки 2–3 тахлам қилиб қуийб чиқилган. Пиликлар қўйилаётганда уларнинг ҳар қайси арвоҳга аталайётгани айтилган. Табиийки, оташпастлар ўз эътиқодларини сир тутганлар. Бухоро вилоятидаги Арабхона, Чувиллоқ ва Боғли қишлоқларида ҳам 60 га яқин араб уйлари битта ўчоққа топиниб келганлари аниқланган. Муқаддас ўчоқ эса Боғли қишлоғида бўлган. У очик жойда, ўт ёқиладиган одатдаги учоқ бўлиб, бошқаларидан ажralиб туриши учун унча баланд бўлмаган пахса девор билан ўраб қўйилган.

Фиждувон, Пешку туманлари қишлоқлари (Жугари, Арабон, Боғимусо) да куртова таоми ҳатто ширчой ўрнида тановул қилинган. Бу таом камбағал хонадонларда пиширилган. Куртова тўқ тутганлиги учун қишида тайёрланган. Бу таом Бухоро тумани Талалиён, Сувчиқар, Кулонхона қишлоқларида учинчи куни, Жондор тумани Демон, Хумдонак, Арабхона, Шўробод қишлоқларида ўликнинг «биринчи ҳайити» – «иди аввал» маросимида пиширилган.

Фарғона водийсининг баъзи бир жойларида (Кува, Хўжамағз, Ахшак, Арабмозор, Риштон) маросим таоми сифатида атала пиширилган. Бу ўринда атала деганда бирор хил ун солинган об назарда тутилган. Аталани ўликнинг энг яқин кишиси оз миқдорда бўлса ҳам иримига деб пиширган.

Мотам маросимида таомлар билан боғлиқ урф-одатлар ўзига хослиги билан ажralиб туради. Масалан, Фарғона водийсида яшовчи қипчоқлар ва қирғизларда, ўтроқ ўзбеклар ва тожиклардан фарқли равишда, марҳум дағн этилмасдан аввал қўй сўйиб, маросими таомлардан шўрва тайёрланади. Лекин тайёрланган шўрва мархумни қабристонга дағн этиб келингандан сўнг ичилган. Бу таом халқ орасида «қора ош» деб ҳам юритилган. «Қора ош» марҳум дағн қилинган куни тайёрланадиган маросим таомдир. Қора ошнинг оддий ошдан фарқи шундаки, унга оддий ошдагидай пиёз солинмасдан пиширилган. Чунки пиёз аччиқ маҳсулот ҳисобланади, агар у қора ошга қўшилса, совуқ маъракага яна аччиқлик қўшилиб кетиши мумкин, деб ўйланган. Ҳудди шундай фикрни Б. Х. Кармишева ҳам тасдиқлайди. У ҳам қора ошни айнан мотам оши (тожикча «ошисиёҳ») маъносида тушунтиради. Қора ошни меҳмонлар учун тайёрлашган. «Қора ош» марҳум чиқариладиган хонадонда эмас, балки унинг

кўшниси ёки бирор қариндошининг уйида қилинган. Таъзияхонада то марҳум дафн қилинмагунча дастурхон ёзилмайди.

Хозирги вақтда мотам маросими таомида бироз ўзгариш юз берган. Авваллари қора ош ўлимлик чиққан уйларнинг барчасида берилган. Хозирги вақтда у одам 60 ёшдан ўтиб вафот этган бўлса, маъракасида берилади. Косон ва Пўлати арабларининг бир-биридан фарқи шундаки, Косон Арабхона маҳалласида қора ошни мажбурлаб истеъмол қилдиришиади. Пўлатида ёш вафот этганларига «қора ош» ни истеъмол қилмайди. Сурхондарё вилояти Денов туманида яшовчи чигатой уруғида бир анъана бор, яъни ёш вафот этган кишининг қора оши, Пўлатида бўлгани каби, истеъмол қилинмайди. Бунинг сабаби агар ош истеъмол қилинса, чилла тушади. Сурхондарёнинг Жарқўргон туманидаги араблар вафот этган кишини қабрга қўйгандан сўнг таом пиширилган. Чўл арабларида эса майитни кўмиб келгандан сўнг мол сўйиб, матом маросимга турли қишлоқлардан, шаҳарлардан келган қариндошларига мотам бўлган хонадондан узокроқда овқат тортилган.

Хоразм воҳаси этнографиясининг билимдони Г. П. Снесарев дафн маросимларида қўй сўйиб, овқат тайёрлаш одатини тотемийлик билан боғлаб, Хоразм ўзбекларида марҳум чиқарилаётганда қўй сўйилишини таъкидлаб кўрсатади. Юрчи қишлоғида марҳумнинг жони чиқадиган вақтда бараварига қўй сўйлади, бу марҳумнинг қийналмасдан ўлиши учун қилинган. Ўликни қабристонга қўйиб келгандан сўнг сўйилган қўйнинг гўштидан овқат тайёрланиб тарқатилган. Ахборотчи Зулфия момонинг таъкидлашича, битта қўй сўйиб, гўштини қариндош-уруғига тарқатишган.

Инглиз антропологи Э. Б. Тайлорнинг фикрича, марҳумлар руҳига атаб қурбонлик қилиш ибтидоий одамнинг анимистик тасавурлари билан боғлиқ бўлиб, қурбонлик фақат худога сифинишнинг йўли эмас, балки инсонлар ўтганлар руҳига атаб ҳадялар қилиш билан бирга худодан нажот ҳам истаганлар.

Халқ тилида руҳлар турлича номлар билан: рух, арвоҳ, ота-боболар ва пиру устозлар руҳи, боболар, аждодлар, деб аталади. «Рух» сўзининг ўзи арабча сўз бўлиб, «жон, рух, шарпа, ҳаёт» маъноларини англатади. Мотам маросимида пайшанба куни ота-боболарнинг руҳини шод этиш учун маҳсус «ис» чиқариб, аждодларнинг арвоҳларига атаб пишириқ пиширилади. Пўлати араблари исни зиғир ёғига чиқаришган. Сабаби зиғир ёғининг ҳидига арвоҳлар айланишади. Булардан ташқари, марҳум, гарчи катта маросим сифатида бўлмаса ҳам, жума оқшоми, душанба оқшомларида чўзма (чалпак) қилиниб, дуо-фотиҳа ўқиши билан хотирланади. Водий ўзбекларида чоршанба куни марҳумлар руҳига бағишилаб ўйма пиширилиб «ис» чиқарилади. Тошкент ўзбекларида эса ўйма ўрнида бўғирсоқ қилишади. Какайди араблари майит вафот этганининг 30 кунида ўзига хос бир маросим ўтказадилар. Маҳсус таом-сузма, яъни аталага ўхшаган ош, ширин атала, ҳолвайтар тайёрланиб, дастурхонга тортилади. Марҳумнинг еттиси ва қирқ маросимида «шом оши» деб битта қўй сўйиб овқат қилинади.

Косон араблари бошқа араблардан ўзига хос локал хусусияти билан фарқ қиласи. Уч кун давомида вафот этган хонадон аъзолари овқат ўрнига сув истеъмол қилинади, ҳозирги вақтда кўшни-қариндошлари овқат ҳам олиб келмайди.

Бундан ташқари, мусулмон дунёсида ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг жуфт бўлиши, фақат ўлимнинг жуфт келмаслигини исташади. Шу боис ўлим чиққан жойда дастурхонга қўйиладиган нон, товоқ ҳам ток қўйилади. Мотам маросимига келган инсонларга ўйра олиб боришида 2 та косани бир вақтда кўтариб бориш қатъиян тақиқланади. Агар битта одам 2 та коса кўтарса, шу одамнинг бошига ҳам қайғу тушади деб ирим қилишади.

Аза маросимлари, яъни марҳумни меҳмон қилиш (қора ош тортиш), йифи чиқариш, дафн қилиш маҳалла оқсоқоллари билан ўтказилган. Бирор одам куннинг 1-ярмида вафот этса, шу кунда, агар 2-ярмида вафот этса эртасига дафн қилинган. Шу куни меҳмон қилиниб қора ош (кўкин ош, мотам оши) қилинган.

Ўзбекистон арабларининг ўтмишдан сақланиб қолган исломий эътиқодларидан бўлган ражаблик, қурбонлик, ифтор қилиш каби маросимларни ўтказишида маҳалланинг ўрни катта аҳамиятга эгадир. Мотам маросими оила ва яқин қариндошлар ўртасидаги аҳиллик қай

даражада эканлигини кўрсатувчи маросим ҳамдир. Яқин кишисидан жудо бўлган қариндошлар мотам бошига тушган оила аъзолари ёнида мададкор бўлиб туради.

Ислом дини бошқа динлардан ўзининг ҳар томонламалиги билан ажралиб туради. У фақат диний маросимларни амалга ошириб қолмай, шу билан бирга тадқиқ қилинаётган даврнинг маънавий, моддий маданий жиҳати билан ҳам боғлиқдир. Қурбон ҳайити қунлари мусулмонлар ўз ота-оналари, қариялар ва беморларни бориб кўрадилар. Уларга қўлларидан келган ёрдамларини аямай, хурматини ўз ўрнига қўядилар, қурбонлик учун сўйилган молларнинг гўштларидан бир қисмини ўз уруғ-аймоқларига, хусусан, кам даромадли оиласларга, бева-бечораларга тарқатадилар. Қурбонлик маросимининг яна бир тартиби сўйилган моллар гўштидан таом тайёрлаб, худойи шаклида йигинлар ўtkазишdir. Макка ва унинг атрофида ҳожиларга хизмат кўрсатиб тирикчилик қилувчи араблар қурбонликка сўйилган ҳайвонларнинг гўштини йиғиб, куритиб оладилар ва йил бўйи у билан тирикчилик қиладилар. Ўзбекистон арабларида бу ҳолат кузатилмайди.

Аmmo мотам маросимлари XX асрнинг ўрталаридан бошлаб трансформациялашган. Мустақилликка эришганмиздан сўнг араб ҳалқининг турмуш тарзига ҳам ўзига хос янгича урф-одат маросимлари кириб кела бошлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон арабларнинг мотам маросими ўзига хос локал хусусиятларидан бири таом тайёрлаш жараёнидир. Мотам маросимида Косон туманидаги Арабхона қишлоғида уч кун давомида таом танаввул қилишмайди.

Ўзбекистон арабларининг ўзига хос миллий таомлари тўғрисида сухбат ўтказганимизда, улар миллий араб таомлари йўқ эканлигини таъкидлашиб, ўзбек миллий таомларини араб миллий таомлари билан боғлиқ деб таъкидлашади, бу эса арабларнинг ўзбек ҳалқининг турмуш тарзи билан уйғунлашиб кетганлигининг яна бир яққол далилидир.

Адабиётлар:

1. Абдуллажонов А.. Сайид унвонми ёки исм?. –Ўзбек тили ва адабиёти 1996 йил, 6-сон. Б. 45-46.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2003. Б. 338.
3. Бегматов. Э.Ўзбек исмлари.Т.,2007. Б. 586.
4. “Бобурнома учун қисқача луғат. - Т., 2008. Б. 146.
5. Искандаров Ш.А. Ўзбекистон араблари: анъаналари ва трансформацион жараёнлар Т. “Янги нашр” 2017. – Б. 48
6. Калонов К. Марқазий Осиё ҳудудидаги ижтимоий-диний табақалар (диний-экологик ва социо-антропологик таҳлил) / Серия «Рабочие документы ИФЕАК» - Document de travail de l'IFEAC, 16-й выпуск, май 2006.
7. Навоий асарлари учун қисқача луғат. - Т., 1993. Б. 240.
8. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т., 2012. Б.132. (Қаранг) Yüksel M.Р. Timurlularda Din-Devlet Yliþkisi. – Ankara, 2009. – S. 86 –87.
9. Р.Ражабов Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т., 2012. Б.132.
10. Семенов А.А. Бухарский трактат о членах и званиях и об обязанностях называемый их в средневековой Бухаре. – СВ, т. V. М-Л., 1948. Стр 141.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.3-ж. - Т., 2007. Б. 422.
12. Э.Бегматов.Ўзбек исмлари. - Т., 2007. Б. 360-363.